

## ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ДАЪВО МУДДАТИНИНГ ЎТА БОШЛАШИ, ТЎХТАТИЛИШИ ВА УЗИЛИШИ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

*Миров Фарҳоджон Хошимжонович*

*Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судяси*

*[farhodmirov@gmail.com](mailto:farhodmirov@gmail.com)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Иқтисодий суд ишларини юритишда даъво муддатининг ўта бошлаши, тўхтатилиши ва узилиши, унинг аҳамаияти ҳамда мазмун-моҳияти кўриб ўтилади. Бундан ташқари, муаллиф даъво муддатини иқтисодий амалиётда қўллаш ба шартномалар бўйича тартибга солишни, шунингдек, даъво муддатининг келиб чиқиш тарихи, унга бўлган талабларни таҳлил қилади. Мақолада норматив тартибга солишдан ташқари, низоларни судларда ҳал қилиш ҳам кўрсатиб ўтилади. Масалаларнинг қандай ҳал қилинишига мисоллар келтирилиб, таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** Иқтисодий суд ишларини юритишда даъво муддатининг ўта бошлаши, тўхтатилиши ва узилиши, муддат ҳуқуқи, даъво муддатининг узилиши, ҳуқуқий вақт, мулк дахлсизлиги, муддат ҳисоблаш, процессуал ҳимоя қилиш воситаси, махсус даъво муддати.

Фуқаролик ҳуқуқий-муносабатлардан келиб чиқувчи аксарият талаблар учун даъво муддати белгиланган бўлиб, магистрлик ишининг аввалги бобида кўрсатиб ўтилганидек ушбу муддат умумий ва махсус даъво муддатларига бўлинади. Фуқаролик қонунчилигида даъво муддати белгиланмаган талаблар ҳам мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддаси кўра, даъво муддати қуйидагиларга жорий қилинмайди:

шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига;

фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бу бузишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ

бўлмаса ҳам (ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига;

мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга;

қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга<sup>1</sup>.

Иқтисодий низолар бўйича суд ишларини юритиш жараёнида муайян талаб билан мурожаат қилган шахснинг айнан шу талаби бўйича даъво муддатининг ўта бошлаганлиги вақтини аниқлаш, низони мазмунан ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Даъво муддатининг ўта бошлаган вақтини аниқлашда даъво аризаси ёки аризага илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш, суд муҳокамаси жараёнида даъво муддати ўта бошлаган вақтни аниқлаш зарурати юзага келганда тарафлар вакилларининг фикрларини, зарурат бўлганда қўшимча ҳужжатларни ўрганиш лозим бўлади. Бунда даъво муддатининг ўта бошлашига оид фуқаролик қонунчилиги нормаларига қатъий риоя этиш талаб этилади.

Даъво муддатини тўғри ҳисоблаш учун унинг қай вақтда тугашини белгилаш зарур. Бундай ҳуқуқ, яъни даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи б

Даъво муддатининг ўта бошлаши масаласи фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг (ҳуқуқи бузилган шахснинг) ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кунга боғлиқ бўлиб, иқтисодий низо бўйича даъво муддати айнан шу кундан ўта бошлаган ҳисобланади.

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти ижро этиш муддати билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса – ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт (ФК 242-моддаси). Бу каби даъволар бўйича даъво муддати кредитор тегишли талаб қўйгандан кейин берилган 7 кунлик ихтиёрий муддатдан кейинги кундан бошлаб ўта бошлайди.

Даъво муддати ўтишининг бошланиши манфаатдор шахс томонидан даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи, яъни талабни суд орқали мажбурий тартибда ҳимоя қилинишини амалга ошириш имконияти пайдо бўлишига мос келади. Шунинг назарда тутиш лозимки, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун судга ҳуқуқлари бузилган шахснинг ўзи ёки унинг манфаатларини кўзлаб қонун

а

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон.

<sup>2</sup> Фуқаролик ҳуқуқи дарслик, www.ziyouz.com kutubxonasi.

шундай мурожаат қилишга рухсат этган шахслар мурожаат этганлиги даъво муддати ўтишига таъсир этмайди. Шу каби ҳолат тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахсдан қарздор бўлган учинчи шахсларга нисбатан даъво билдирган тақдирда даъво муддати тугатиш комиссияси тузилган пайтдан эмас, тугатилаётган юридик шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ўта бошлаган ҳисобланади.

Мулкдор ёки бошқа мулкый ҳуқуқ эгаси ўзининг ҳуқуқи бузилганлиги ҳақида ҳуқуқбузарлик кундан муайян вақт ўтганидан кейин хабар топиши мумкин. Ушбу қоидага кўра умумий мулкда бўлган уй-жойга биргаликдаги эгалик қилувчилар орасида ушбу уй-жой улардан узоқ муддатли хизмат сафаридида бўлган бирининг улуши ҳисобга олинмаган ҳолда тақсимланган бўлса, бундай биргаликда эгалик қилувчи учун даъво муддати ўтишининг бошланиши уй-жой бўлинган кундан эмас, балки у бундай бўлиш тўғрисида билган ёки билиш лозим бўлган кундан ҳисобланади.

Юқоридаги умумий қоидадан истиснолар Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар билан белгиланади. Хусусан, регресс мажбуриятлар бўйича даъво муддати асосий мажбурият бажарилган пайтдан бошланади. Фуқаролик кодексининг 957-моддасига мувофиқ, суғурта товонини тўлаган суғурталовчининг учинчи шахсга нисбатан талаби бўйича даъво муддати ўтишининг бошланиши суғурта товони (суброгация) тўланган, яъни суғурта қилдирувчи учун даъво муддати ўтиши бошланган кундан бошланади.

Муайян ижро муддатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича даъво муддати ижро муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди. Бундай ҳолда даъво муддатининг ўтиши ижро этиш муддати тугаган кундан бошланади. Мажбуриятларни ижро қилиш муддати ҳақдор шахсга маълум бўлганлиги учун ушбу муддатнинг тугаши шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганини билишини англатади. Буни ушбу мисол билан кўришимиз мумкин, банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномаларида кредитни қайтариш муддати белгиланган. Кредит ушбу муддат етиб келганда қайтарилмаган ҳолда кредитни қайтариш ва уни қайтаришни кечиктириш учун санкциялар тўғрисидаги талаблар учун даъво муддати ушбу муддат етиб келиши билан бошланади.

Кредитор ва қарздор ўртасидаги узоқ муддатли муносабатлар расмийлаштирилган шартномаларда ҳар битта мажбуриятни бажариш учун алоҳида муддатлар белгиланиши мумкин, масалан, етказиб берувчининг ҳар ойда маҳсулот жўнатиш, пудратчининг объект қурилишини босқичма-босқич топшириш, ижарачининг ижара ҳақини ҳар чорақда тўлаш мажбуриятлари каби. Ушбу ҳолда даъво муддатининг ўтиши ҳар битта мажбуриятни ижро этиш муддати тугашига боғлиқ равишда, яъни етказиб бериш оyi ёки қурилиш бўйича

Т

е



и

и

Ижро муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш пайти ижро этиш муддати билан белгиланмаган мажбуриятлар бўйича (ФК 154-моддаси 3-қисми) даъво муддати ўтишининг бошланишини кредиторда мажбуриятларни ижро этиш тўғрисидаги талабни билдириш ҳуқуқи пайдо бўлган кун билан боғлайди.

Тегишли сифатга эга бўлмаган маҳсулот етказиб беришдан келиб чиқувчи даъволар учун даъво муддатининг ўтиши харидор тегишли тартибда унга етказиб берилган товарлар камчиликларини аниқлаган кундан бошланади.

Агар муддати белгиланмаган ва талаб қилиш пайти ижро этиш муддати билан белгиланган талабларни бажариш учун қарздорга имтиёзли муддат берилса, даъво муддатининг ўтишини ҳисоблаш имтиёзли давр тугагандан сўнг бошланади.

Ижро этиш муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш пайти ижро этиш муддати билан белгиланган мажбуриятлар бўйича даъво муддати кредиторда мажбуриятни бажариш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан ўта бошлайди, борди-ю, қарздорга бундай талабни бажариш учун имтиёзли муддат берилса, даъво муддати имтиёзли муддат тамом бўлганидан кейин ҳисоблана бошлайди.

Бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар каби иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган низолар бўйича ҳам шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлаган даъво муддати узлуксиз давом этади. Бироқ, шахсга боғлиқ бўлмаган шундай ҳолатлар мавжудки, бундай ҳолатлар мавжуд бўлганда қонунда белгиланган даъво муддати давомида шахс ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги мумкин. Бу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда қонунчилик даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, узилиши билан боғлиқ қоидаларни белгилайди.

Даъво муддати ўта бошлаган давр мобайнида шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этишга тўсқинлик қилувчи қонунчиликда белгиланган сабаблар мавжуд бўлганда даъво муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

Жумладан, Фуқаролик кодексининг 156-моддасига кўра, даъво муддатининг ўтиши куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- 1) агар даъво қўзғатилиши учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда ҳодиса (енгиб бўлмас куч) тўсқинлик қилган бўлса;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мажбуриятларни бажаришни кечиктирганлиги (мораторий) туфайли;
- 3) агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуролли Кучлар,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. (– 816 б.) 380-384-б.

чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса;

4) агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса;

5) тегишли муносабатни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатининг амал қилиши тўхтатилган бўлса.

6) медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилган тақдирда.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар даъво муддатининг охириги олти ойида, бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Муддатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 19 июндаги “Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 282-сон қарорининг 12-бандига кўра, ФК 156-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши учун асос бўлувчи ҳолатлар қатъийдир ва уни кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди, ФК 158-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар тарафларнинг келишувида даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши у

Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши билан боғлиқ Фуқаролик кодексининг моддаси қоидалари императив ҳисобланади ва ушбу моддада кўрсатилган асосларни кенгайтирилган тарзда талқин этиш ҳамда муддат тўтатилиши билан боғлиқ ҳолатларни тарафлар келишуви билан жорий этилиши, ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Умумий қоида тариқасида даъво муддатининг тўхтатилиши ушбу муддатни тўхтатишга асос бўлган вазиятлар тугагунга қадар давом этади ҳамда ушбу вазиятлар тугаши билан даъво муддати ўтиши қонунчиликда белгиланган қоидаларга мувофиқ давом этади.

Фуқаролик қонунчилиги даъво муддатининг узилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидалар орқали даъво муддатининг узилиши ҳолатларини тартибга солган.

Фуқаролик кодексининг 157-моддасининг мазмунига кўра, даъво муддати ўтишининг узилиши назарда тутилган бўлиб, унга кўра, даъво муддатининг ўтиши ҳуқуқи бузилган шахс томонидан судга мурожаат қилиниши натижасида даъво қўзғатилиши билан, шунингдек талаб бўйича мажбур шахс қарзни тан

Д

<sup>4</sup> Lex.uz, ОХСнинг “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Пленум қарори, 2015 йил 19 июнь.

Р



К

Ў

олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади. Кўриниб турибдики, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво муддатини қуйидаги иккита вазият узиши мумкин:

а) белгиланган тартибда даъво қўзғатиш;

б) мажбуриятли шахс томонидан қарзни тан олишдан далолат берувчи ҳаракатлар амалга оширилиши.

Даъво муддатининг узилишига сабаб бўладиган даъво қўзғатилиши ҳуқуқи бузилган шахс томонидан даъво аризаси ёки ариза тақдим этишнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси талабларига тўлиқ жавоб берадиган тарзда мурожаат этилиши ҳамда тегишли суднинг иқтисодий ишнинг қўзғатилиши оқибатида вужудга келади. Акс ҳолда эса даъво муддатининг ўтиши узилган ҳисобланмайда ва даъво тақдим этилгунга қадар ўта бошлаган даъво муддати умумий тартибда давом этади.

Даъво муддатининг узилишига сабаб бўладиган вазият сифатида мажбуриятли шахс томонидан қарзни тан олишдан далолат берувчи ҳаракатлар амалга оширилиши орқали даъво муддатининг узилганлиги фактига баҳо беришда судлар ҳар бир иқтисодий иш бўйича мавжуд далилларга баҳо бериш, тарафларнинг кўрсатмаларини ўрганиши ва бошқа ҳолатларни текшириши лозим бўлади. Қонунчиликда мажбур шахснинг қарзни тан олишдан далолат берувчи ҳаракатлари аниқ белгилаб берилмаган. Шунга кўра талаб вужудга келган ҳар бир ҳолат бўйича талабгор ва мажбур шахсларнинг ҳаракатларини ўрганиш ҳамда унинг натижалари бўйича даъво муддатининг узилиши масаласига баҳо бериш лозим бўлади. Мажбур шахс талабнинг муайян қисмини тан олиши даъво муддати талабнинг айнан тан олинган қисми бўйича узилиши ва тан олинмаган қисм бўйича даъво муддати умумий асосларга кўра даво этишини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Суд томонидан жалб қилинган бошқа жавобгар ёки иккинчи жавобгарга нисбатан талаблар бўйича даъво муддатининг ўтиши даъвогар тегишли илтимосномани тақдим этган кундан, бундай илтимоснома мавжуд бўлмаган ҳ

Даъво муддатининг узилиши масаласида Е.А.Суханов қуйидагича фикр билдиради: биринчи ҳолатда даъво муддати узилиши учун даъво суд томонидан иш юритишга қабул қилиниши, шу билан бирга фуқаролик-процессуал ва иқтисодий процессуал кодексларида белгиланган тегишлилик ва тааллуқлилик, даъво учун давлат божи тўланиши ва бошқа шу каби қоидаларга амал қилинган с

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига шарҳ. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академига, юридик фанлар доктори, профессор Х.Р.РАХМОНҚУЛОВ, юридик фанлар доктори, профессор О.О.ОҚҮЛОВ таҳрири остида. Тошкент. "VEKTOR-PRESS". 2010. [www/osce.org/files/f//documents/8/7/74875.pdf](http://www/osce.org/files/f//documents/8/7/74875.pdf)

бўлиши керак. Иккинчи ҳолатда эса қарздор қарзни тан олишига доир аниқ ҳаракатларни – қарзнинг бир қисмини тўлаш, тўлов муддатини кечиктиришни илтимос қилиш, даъвогарнинг талаблари билан тўлиқ келишиш ва бошқа шу

к

Дарҳақиқат, иқтисодий иш қўзғатилган ҳар бир ҳолатда ҳам даъво муддати узилади деган қоида мавжуд эмас, чунки қўзғатилган иқтисодий иш юзасидан даъво ИПКнинг 10-боби қоидаларига мувофиқ кўрмасдан қолдирилса, даъво қўзғатилганга қадар ўта бошлаган даъво муддати умумий тартибда давом этади (ФК 158-моддаси).

Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим юқори инстанция суди томонидан бекор қилинган тақдирда, даъво муддатининг ўтиши

д

Даъво муддати ўтишининг узилишидан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади, узилишгача ўтган вақт эса – янги муддатга қўшилмайди. Айти шу жиҳати билан даъво муддатининг узилиши даъво муддатининг тўхтатилишидан фарқланади.

Н.В.Галактионова ва М.А.Вольваковаларнинг даъво муддати ўтишини аниқлашнинг муҳим масалалари ҳақидаги мақолада баён этилган фикрларига кўра қарзни тан олувчи ҳаракатлар сифатида:

- талабномани тан олиш;

- ваколатли шахс томонидан имзоланган ўзаро ҳисоб-китоблар далолатномаси;

- қарздорнинг ваколатли шахси томонидан имзоланган ҳамда қарздорнинг қарзи мавжудлигини назарда тутган ҳолда шартномага киритилган ўзгартириш ёки қўшимча, шунингдек қарздорнинг қарзи мавжудлигини тан олган ҳолда шартномага тўлов муддатини кечиктириш ёхуд бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритиш ҳақидаги илтимоси ва шу каби бошқа

х

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мажбур шахс томонидан қарздорликни тўлиқ тан олган ҳолда даъво муддатининг узилиши юзасидан ноаниқлик вужудга келмайди ва қарздор ўз қарзини тўлиқ тан олишини аниқлашчи ҳаракатларни амалга ошириши билан даъво муддати узилади ва даъво муддатнинг ўтиши янгидан бошланади.

Иқтисодий судлар томонидан низоларни кўриб чиқиш жараёнида

р

<sup>6</sup> Гражданское право: В 4 т. Том 1: Общая часть: Учебник 3-е издание, переработанное и дополненное. Под ред. Е.А.Суханова. М. Волтерс Клувер, 2008. 339-б.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2015 йил 19 июндаги “Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 283-сон қарори

с

<sup>8</sup> Галактионова Н.В., Вольвакова М.А. Актуальные вопросы определения даты течения срока исковой давности // Вестник Хабаровского государственного университета экономики и права. 2016. №1 (81). 141-б.

с

қарздорнинг мажбурият бўйича қарзини тан олиш ҳақидаги ҳаракатларига мавжуд ҳужжатлар асосида баҳо берилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки қарздор талаб бўйича қарзининг фақат муайян қисмини тан олган бўлса, бу ҳолда даъво муддати қарздорнинг айнан тан олган қарзига оид қисми бўйича даъво муддати узилади. Бундай ҳолатда қарзнинг қарздор томонидан тан олинмаган қисми бўйича даъво муддати умумий асосларга кўра давом этади.

Мажбур шахс қарзи мавжудлигини тан олган ҳолда унинг фақат бир қисми бўйича тўлов амалга оширган бўлса, бундай ҳолатда даъво муддати қарздор қарзни тан олган вақтдан эътиборан талабнинг ҳамма қисми бўйича даъво муддати узилади.

Шунга кўра, иқтисодий низоларни кўриб чиқишда даъво муддати ўтишининг узилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, судлар қарздор шахснинг даъвои тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларига тегишли ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда ушбу ҳолатларни текшириш натижаларига кўра низони мазмунан ҳал этишлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, даъво муддатининг ўта бошлаши, тўхтатилиши ҳамда узилиши масалалари фуқаролик қонунчилиги нормалари асосида иқтисодий ишларни кўриб чиқаётган судлар томонидан иш ҳолатлари атрофлича муҳокама қилган ҳолда ҳал этилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон.
2. Фуқаролик ҳуқуқи дарслик, [www. ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. (– 816 б.) 380-384-б.
4. Lex.uz, ОХСнинг “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Пленум қарори, 2015 йил 19 июнь.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига шарҳ. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академига, юридик фанлар доктори, профессор Х.Р.РАХМОНҚУЛОВ, юридик фанлар доктори, профессор О.О.ОҚЮЛОВ тахрири остида. Тошкент. “VEKTOR-PRESS”. 2010. [www/osce.org.files/f/documents/8/7/74875.Pdf](http://www/osce.org/files/f/documents/8/7/74875.Pdf)
6. Гражданское право: В 4 т. Том 1: Общая часть: Учебник 3-е издание, переработанное и дополненное. Под ред. Е.А.Суханова. М. Волтерс Клувер, 2008. 339-б.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2015 йил 19 июндаги “Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 283-сон қарори // <https://lex.uz/docs/2712564>
8. Галактионова Н.В., Вольвакова М.А. Актуальные вопросы определения даты течения срока исковой давности // Вестник Хабаровского государственного университета экономики и права. 2016. №1 (81). 141-б.